



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Нукус тумани ҳокимининг**

**биринчи ўринбосари**

***Р.Бекимбетов***

**“ ” 2022й**

**Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани “Тақыркөл” ОФЙ “Шоркөл” қишлоқ  
худудига табиий газ тармоқларини янгидан қуриш буйича объектларнинг лойиха – смета  
ҳужжатларини тайерлаш ишлари буйича**

**ЭНГ ЯХШИ ТАҚЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БУЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ  
ҲУЖЖАТЛАРИ**

## УМУМИЙ ҚИСМ

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

#### I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

Буюртмачи - танлов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлов эълон қилади.

Танловнинг тури – электрон танлов,

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим

##### 1. Умумий ҳолат

1.1 Ушбу танлов ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550 қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. "Лойиҳалашдан олдин, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва шартномалар экспертизасини ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида" (кейинги ўринларда - қарор).

1.2 Танлов мавзуси: Халқ депутатлари Нўкис туман Кенгашининг 2022 йил 8 ноябрдаги VI-56137-13-188-К/22-сон қарорига асос, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани "Тақыркөл" ОФЙ "Шоркөл" кишлоқ ҳудудига табиий газ тармоқларини янгидан қуриш бўйича объектларнинг лойиҳа – смета ҳужжатларини тайерлаш ишлари.

1.3. **Танлов охириги қийматига:** лойиҳа – смета ишлари ҳамда лойиҳа олди ҳужжатлари (ЗВОС, экологик хулоса, АРТ, объектни техник ўрганиш, лойиҳа қидирув ишлари) ва лойиҳа - смета ҳужжатлари учун "Шаҳарсозлик ҳужжатлари" экспертизаси хулосасини олиш ишлари киритилади. ТАЖ да кўрсатилган қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4 Танлов таклифида кўрсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.

1.5 Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

1.6 Ҳарид комиссияси йиғилишининг шакллари – онлайн, электрон тарзда.

##### 2 Танлов ташкилотчилари

2.1 Буюртмачининг номи –Нукус тумани Ҳокимилиги (бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).

2.2 Комиссиянинг ишчи органи ҳарид комиссияси (бундан кейин - "комиссия").

2.3 Танлов камида 5 аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган ҳарид комиссияси томонидан ўтказилади.

##### 3. Танлов иштирокчилари

3.1 Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

3.2 4.2-бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

##### 4 Танловни ўтказиш тартиби

4.1 Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:

а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклар олиш);

б) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ уз таклифини тақдим этиш;

4.2 Қуйдаги иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади:

а) Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги;

б) Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлиги;

- б) Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлиги;
- в) "Буюртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш;
- г) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ваёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар.

**4.3** Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

оферентлар ва буюртмачи ўртасида аффилиланганлик хусусияти аниқланганлигида (бунда оферент тақдим этган ва расмий маълумотлар асосида текширилади), коррупцияга йўл қўйилмаслик тўғрисида ариза илова қилинмаса, баҳолаш учун зарур булган маълумотлар тақдим этилмаганда.

**4.4.** Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

а) Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш(хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг тегишли иш стажига ва соҳавий тажрибага эга бўлиши кераклиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага эгаллиги, лицензияси объектнинг мураккаблик тоифасига тўғри келиши, ушбу ҳудудда ишлаган соҳавий объектларининг руйхати, лойиҳаси бош режалари кўрсатилиши лозим, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт. б)

Ушбу соҳа бўйича ишлаган объектларини руйхати кўрсатилиши шарт.

в) Доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши; ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, офис техникаларига эга бўлиши; бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин камида 1 йил иш кўрсатганлиги, тажрибага эга бўлиши, устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

## **5 Танлов тили, ўлчов бирлиги.**

**5.1** Танлов таклифи ва иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар Давлат ёки рус тилида бўлиши керак. Танлов таклифи Давлат ёки рус тилига аниқ илова қилинган ҳолда бўлиши керак. Танлов таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланиш керак.

## **6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби**

**6.1** Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

**6.2** Оферент: тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

**6.3** Танлов таклифи икки қисмдан иборат:

6.3.1. Шакллар рўйхати:

**1-шакл.** Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

**2-шакл.** Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари (Иловалари ва тасдиқловчи билан).

**3-шакл.** Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси, соҳавий ишлари лойиҳаси бош режаси кўрсатилиши.

**4-шакл.** Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда офис техникасининг рўйхати ушбу соҳа тегишли офис техникасининг кўрсатиш лозим (*бунда зарур ҳолларда тегишли расмларни тақдим этишни талаб қилишига ҳақли*).

6.3.2. Иловалар рўйхати:

**1 - илова.** Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини бажариш таклифи.

**2 - илова.** Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишларини бажариш графиги.

6.3.4. Тижорат қисми:

Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг бошланғич нархи;

Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг муддати;  
Шартнома лойиҳасидан иборат.

**6.4** Шунингдек, иштирокчи барча танлов ҳужжатларини электрон тарзда тайёрлаши ва махсус порталига жойлаштириши керак

**6.5** Тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилади.

**6.6** Техник таклиф иловаларга мувофиқ тўлдирилиб, тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши зарур.

**6.7** Комиссия фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

## **7 Таклифлар бўйича танлов тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари**

**7.1** Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган танлов таклифларини баҳолаш бўйича ҳарид комиссияси масъул.

**7.2** Таклифларни кўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, ҳарид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.

**7.3** Ҳарид комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.

**7.4** Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, ҳарид комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.

**7.5** Таклиф Қонун, меъёрий ҳужжатлар ва танлов ҳужжатлари талабларига мос равишда бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлашлари мумкин.

**7.6** Ҳарид комиссияси агар уни тақдим этган танлов иштирокчиси Қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиларининг таклифи бўйича танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

**7.7** Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида ҳарид комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равишда, ёзма равишда, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

**7.8** Танлов ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

## **8 Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги махфийлик.**

**8.1** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик куйидагиларга тегишликирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга руҳсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

## АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов предмети бўйича ва танлов ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Нукус тумани Ҳокимлиги
2.	Объект номи:	Нукус тумани “Тақыркөл” ОФЙ “Шоркөл” қишлоқ ҳудудига табиий газ тармоқларини янгидан қуриш бўйича объектларнинг лойиҳа – смета ҳужжатларини тайерлаш ишлари.
3.	Танлов тури:	Электрон
4.	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	Etender.uzex.uz
5.	Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	Etender.uzex.uz махсус ахборот портали
6.	Танловда иштирок этишга қуйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади:	Лицензияга эга лойиҳа ташкилотлари
7.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш
8.	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	Таклифларни тақдим этиш эълонда кўрсатилган муддатга қадар
9.	Танлов ҳужжатининг тили:	Давлат ва Рус тили
10.	Танлов таклифларини баҳолаш муддати:	Танлов таклифини тақдим этиш муддати тугагандан 5 кундан ошиши мумкин эмас
11.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	15% ҚҚС биласн 14 400 000 сум
12.	Буюртмачи томонидан белгиланган муддати	7 кун
13.	Молиялаштириш манбаси:	бюджет маблағлари ҳисобидан
17.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бўнак - танлов савдолари натижаларига кўра аниқланган лойиҳа ташкилоти учун 30 %; жорий молиялаштириш - бажарилган ишларнинг ҳажмидан 100% миқдоридан.
18.	Шартнома тили:	Давлат
19.	Шартнома валютаси:	Сум

**9. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВАРАҒИ  
(ТЕХНИК БАҲОЛАШ)**

Т/р	Параметрлар номи	Шакл	Максимал балл	Танлов иштирокчилари		
				5	6	7
1	2	3	4	5	6	7
1	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар ( <i>гувоҳнома, лицензияси мавжудлиги, устави, 2-3-тоифа, ходимларнинг паспорти, дипломи ва буйруқлари нусхаси, асосий воситалари, шу жумладан, офис техникалари рўйхати, коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза ва ҳаказо</i> ).		20			
2	Охирги бир йиллик баланс ва молиявий натижалари ҳисоботи нусхаси, қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқдан маълумотнома, молиявий ҳолати тўғрисида банкдан маълумотнома,		25			
3	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги йилларда иш тажрибаси (объектлар рўйхати)		15			
4	Барча буюртмачиларда танловда қатнашиб, ишлаб чиққан лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар ( <i>жумладан: лойиҳа ҳужжати билан смета ҳужжатлари бир бирига мос келмаган, ҚМҚда талаб этидаган ишлар, сметага киритилман ҳолатлар ва ҳаказо</i> )лар топилган, қора рўйхатга киритилган лойиҳа ташкилотлари электрон танловга қатнашсада буюртмачи томонидан, асосланган ҳужжатлар асосида электрон танловдан четлаштирилади.					
Жами баллар			60			

**Изоҳлар:** Танлов иштирокчиси баҳолаш яқунларига кўра 40 баллдан кам балл тўпласа (келгусида – ўтиш баллари), ҳарид комиссияси аъзоларининг овози қарши ҳисобланиб, техник жиҳатдан малакаси етарли эмас деб ҳисобланади.

Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурий.